

# Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2007 йил 25 сентябрь, № 190 (4343) Сешанба


## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ЭТНИК КОРЕЙСЛАР ЎЗБЕКИСТОНДА ЯШАЁТГАНИНИНГ 70 ЙИЛЛИГИ НИШОНЛАНИШИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ТАБРИГИ

*Қадрли дўстлар!*

*Мамлакатимизда истиқомат қилаётган корейс жамоатчилиги бугун, бошқа миллат ва элатлар билан биргаликда, этник корейсларнинг саховатли ўзбек заминида яшаётганининг 70 йиллигини кенг нишонламоқда.*

*XX асрнинг 30-йилларида рўй берган изтиробли воқеалар, яъни ўн минглаб корейслар оғир машаққат ва қийинчиликларни бошидан кечирганини, Узоқ Шарқдаги муқим яшаш жойларидан мажбуран Ўзбекистонга кўчирилганини эслар эканмиз, барчамиз, аввало, ачиниш ва қайғуриш туйғуларини ҳис этамиз.*

*Ўзбек халқи ўша даврдаги шафқатсиз қатағон шароитида ҳам ўзининг меҳр-шафқат, ҳамдардлик, меҳмондўстлик ва саховатпешалик каби хислатларини намоён этиб, кўчирилган корейсларни очиққўнгиллик билан қабул қилди, уларга дастлабки кунданоқ ҳар томонлама маънавий ва моддий ёрдам берди, ҳатто сўнгги бир бурда нонини ҳам улар билан баҳам кўрди.*

*Корейсларга хос меҳнатсеварлик, тиришқоқлик ва ҳамжиҳатлик каби фазилатлар ушбу миллат вакилларининг мустаҳкам оёққа туриб олиши ва Ўзбекистоннинг муносиб фарзандлари қаторидан ўрин эгаллашида муҳим омил бўлди. Ўзига хос табиати, бой маданияти ва қадимий анъаналари билан ажралиб турадиган корейслар бу ерда ўзлари учун янги ватан топдилар. Мана етмиш йилдирки, улар ўзбеклар, Ўзбекистонни ўз Ватаним деб биладиган бошқа миллат ва элат вакиллари билан елкама-елка меҳнат қилиб, аҳил-иноқ, тинч-тотув яшаб келмоқдалар. Бугунги кунда юртимизда яшаётган икки юз мингдан зиёд корейслар жамоаси мамлакатимиз ижтимоий-сиёсий ҳаётининг барча жабҳаларида тенг ҳуқуқлилик асосида фаол иштирок этаётгани қувонарлидир.*

*Мамлакатимиз иқтисодий қудратини мустаҳкамлаш ишига корейс юртдошларимиз ўз ютуқлари билан муносиб ҳисса қўшаётгани, айниқса, таҳсинга лойиқдир. Уларнинг ҳалол ва фидокорона меҳнатлари муносиб тақдирланиб, юзлаб корейс миллати вакиллари давлатимизнинг юксак мукофотларига, жумладан, Ўзбекистон Қаҳрамони фахрий унвонига сазовор бўлмоқда. Корейслар орасидан халқ депутатлари, давлат ва жамоат арбоблари, саноат, қишлоқ хўжалиги, хусусий тадбиркорлик соҳалари вакиллари, таниқли олимлар, маданият ва санъат намояндалари, машҳур спортчилар етишиб чиққанидан ҳаммамиз фахрланамиз.*

*Шубҳасиз, яқинда Ўзбекистон халқи 16 йиллигини кенг нишонлаган мустақиллик шарофати билан корейслар жамоаси ҳаётида ҳам улкан ўзгаришлар рўй берди. Истиқлол туфайли ушбу миллат вакилларининг ҳам анъана ва урф-одатларини қайта тиклаш, она тилини ўрганиш, ўзига хос ва серқирра маданиятини асраб-авайлаш ва ривожлантириш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.*

*Жумладан, 1992 йилдаёқ Ўзбекистонда Корея Республикаси Таълим маркази ташкил этилди. Бугунги кунда бу ерда ҳар йили 3,5 минг киши таълим олмоқда. Улар орасида корейслар билан бирга ўзбеклар, қозоқлар, руслар, татарлар ва бошқа миллат вакиллари ҳам бор. Бу бетакрор корейс маданиятига бўлган юксак ҳурмат ва катта қизиқишдан далолат беради. Ҳозирги кунда мамлакатимиздаги 130 дан ортиқ мактабда корейс тили ўқитилаётгани, Тошкент давлат шарқшунослик институти, Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети, Самарқанд чет тиллар институти каби олий ўқув юртларида корейс тили ва адабиётини ўрганиш бўлимлари фаолият кўрсатаётгани ҳам бунинг ёрқин тасдиғидир. Ўн йилдан буён рус ва корейс тилида "Корё Синмун" республика газетаси нашр этилмоқда.*

*Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси ҳузурида илмий-техник жамиятлар, ижодий ходимлар — шоирлар, ёзувчилар, рассомлар, мусиқачилар бирлашмаси, Ёшлар маркази, саҳна, бадиий, хонандалик, спорт ва бошқа бўлимлар фаолият кўрсатмоқда, Оқсоқоллар кенгаши ташкил этилган. Буларнинг барчаси корейс миллатининг бир пайтлар йўқотилган анъана ва маданияти нафақат қайта тикланаётгани, айни пайтда ривожланиб бораётганининг, корейслар жамоаси кўп миллатли Ўзбекистон халқлари орасида муносиб ўринга эга эканининг амалдаги ёрқин исботидир.*

*Фурсатдан фойдаланиб шуни таъкидламоқчиманки, бундан буён ҳам умумий уйимиз бўлган Ўзбекистонда истиқомат қилаётган ҳамма миллат ва элат вакиллари қатори этник корейсларнинг ҳам миллий-маънавий ва маданий ўзига хослигини тўла намоён этиши учун, турмуш шароитини янада яхшилаш учун барча зарур чора-тадбирлар амалга ошириловерадри.*

*Муҳтарам ватандошлар!*

*Сизларни корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги билан яна бир бор табриклар эканман, Ватанимиз равнақи йўлидаги фаолиятингизда янгидан-янги зафарлар тилайман, барчангизга оилавий тинчлик-хотиржамлик, сиҳат-саломатлик, бахт ва омад ёр бўлсин!*

**Ислом КАРИМОВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Президенти**

## ЯГОНА ОИЛАДА, АҲИЛ-ИНОҚЛИКДА



***Президентимиз Ислом Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирлар Маҳкамаси ва Президент Девонининг қўшма мажлисидаги "Ўзбекистоннинг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли" мавзуидаги маърузасида мамлакатимизда миллатлар ва динлараро тинчлик-тотувликни мустаҳкамлашга доир аниқ мақсадга йўналтирилган ишлар ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди.***

Тошкентдаги Халқлар Дўстлиги саройида этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллигига бағишланган тантанали кеча бўлиб ўтди. Унга юртимизда истиқомат қилаётган турли миллий маданият марказлари, давлат, жамоат ва халқаро ташкилотлар вакиллари таклиф этилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримовнинг этник корейслар Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги нишонланиши муносабати билан табригини Бош вазирнинг ўринбосари Р. Азимов ўқиб эшиттирди.

Кечада мамлакатимизда турли миллат ва дин вакиллари азал-азалдан бир оила фарзандларидек аҳил ва иноқликда яшаб келаётгани, Юртбошимиз раҳнамолигида миллатлараро ва динлараро тотувликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилаётгани таъкидланди.

Ўтган асрнинг ўттизинчи йилларида оғир қийинчиликларни бошидан кечириб, Ўзбекистонга мажбуран кўчириб келинган корейслар заминимизда ўзбекона бағрикенглик ва меҳмондўстлик билан қабул қилинди, уларга ҳар жиҳатдан ёрдам кўрсатилди.

(Давоми 2-бетда).

### Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



***Кеча Олий Мажлис Қонунчилик палатасида Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик, Халқ демократик ҳамда "Миллий тикланиш" демократик партиялари фракцияларининг кенгайтирилган йиғилишлари бўлиб ўтди.***

## ҚОНУН ЛОЙИҲАЛАРИ МУҲОКАМАСИ

Солиқ кодекси, "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги ҳамда "Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатларини ижро этиш тўғрисида"ги қонунларга қўшимчалар киритишни назарда тутадиган қонунлар лойиҳалари ЎзЛиДеП фракцияси йиғилишида атрофлича кўриб чиқилди.

Таъкидландики, ушбу қонунлар лойиҳаларини тайёрлашда иқтисодиётнинг реал секторига инвестициялар жалб этилишининг фаоллашуви эътиборга олинган.

ХДП фракциясининг қуйи палатадаги йиғилишида "Ўзбекистон Республикасининг Жиноят-процессуал кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонунлар лойиҳалари муҳокама этилди.

Шунингдек, "Ахборотлаштириш ва маълумотлар узатиш соҳасида қонунга хилоф ҳаракатлар содир этганлик учун жавобгарлик кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Тадбиркорлик субъектларини ихтиёрий тугатиш ва уларнинг фаолиятини тўхтатиш тартибини такомиллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги, "Саноат, газ таъминоти ва кон назорати соҳасидаги бошқарувни такомиллаштириш ҳамда ишларнинг бехатар олиб борилишини назорат қилишнинг самарадорлигини таъминлаш мақсадида Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида"ги қонун лойиҳалари кўриб чиқилди. Фракция аъзолари томонидан ушбу ҳуқуқий мажмуалар лойиҳалари бўйича тегишли таклиф ва мулоҳазалар билдирилди.

"Миллий тикланиш" демократик партияси фракцияси йиғилишида ҳам юқоридаги қонун лойиҳалари муҳокама этилиб, депутатлар томонидан уларнинг партия электорати манфаатларига монандлик тарафлари эътироф этилди.

Кўриб чиқилган барча қонун лойиҳалари юзасидан фракцияларнинг ўз нуқтаи назарлари ишлаб чиқилди.

**Қ. ХИДИРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## ЎЗБЕКИСТОН — СИНГАПУР БИЗНЕС-ФОРУМИ

***Пойтахтимиздаги Халқаро ҳамкорлик марказида 24 сентябрь куни Ўзбекистон —Сингапур бизнес-форуми бўлиб ўтди.***

**Тадбир**

Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирлиги, Савдо-саноат палатаси ҳамда Сингапур Бизнес федерацияси ҳамкорлигида ташкил қилинган ушбу форум Ўзбекистон — Сингапур савдо-иқтисодий ва сармоявий ҳамкорлигини янада кенгайтириш масалаларига бағишланди. Тадбирда икки мамлакатнинг ташқи савдо-иқтисодий алоқалар, молия, нефть-газ, қурилиш, машинасозлик, озиқ-овқат, кимё, енгил саноат, тўқимачилик, соғлиқни сақлаш, ахборот технологиялари, транспорт ва транспорт коммуникациялари ҳамда сайёҳлик соҳалари учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари раҳбарлари иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий алоқалар, инвестициялар ва савдо вазирининг биринчи ўринбосари Н. Нажимов икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар мамлакатларимиз ўртасида барча соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни ривожлантиришда муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Хусусан, Президент Ислом Каримовнинг жорий йилнинг январь ойида Сингапурга давлат ташрифи ўзаро алоқаларни янги босқичга олиб чиқди.

Сингапур мамлакатимизнинг ишончли ҳамкорларидандир. Ўзаро савдо ҳажми йил сайин ортиб бормоқда. Ўтган йили бу борадаги кўрсаткич 113,5 миллион АҚШ долларини, жорий йилнинг январь-август ойларида эса 105,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. Юртимизда сингапурлик шериклар билан ҳамкорликда тузилган йигирмага яқин қўшма корхона фаолият юритмоқда, Сингапурнинг бир неча йирик компанияси Ўзбекистонда ўз ваколатхонасини очган.

(Давоми 2-бетда).

Қирқиш чизиғи

«2) ушбу Кодекснинг $184^2$, $184^3$, $196^1$, 224, $224^1$, $224^2$-моддаларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар содир этилган тақдирда — чегара қўшинлари томонидан»;

5) **291-модданинг биринчи қисми** қуйидаги мазмундаги **«е» банд** билан тўлдирилсин:

«е) ушбу Кодекснинг $196^1$, 224, $224^1$, $224^2$-моддаларида назарда тутилган маъмурий ҳуқуқбузарликлар содир этилганда — чегара қўшинларининг мансабдор шахслари томонидан».

**2-модда.** Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан кучга киради.

**Ўзбекистон Республикасининг Президенти** **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 20 сентябрь
№ ЎРҚ — 114

8

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

### Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

**«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил**

Қирқиш чизиғи

1) қуйидаги мазмундаги **$196^1$-модда** билан тўлдирилсин:

**«$196^1$-модда. Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармаслик ва уларнинг қонуний фаолиятига қаршилик кўрсатиш**

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш билан боғлиқ ҳаракатларни тўхтатиш, шунингдек зарур ҳужжатларни тақдим этиш ҳақидаги қонуний талабларини бажармаслик, –

энг кам иш ҳақининг бир бараваридан уч бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг қонуний талабларини бажармасликка ҳар қандай кўринишда омма олдида даъват этиш, оммавий равишда бўйсунмасликни келтириб чиқариш мақсадида атайин сохта уйдирмалар тарқатиш йўли билан чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ўз қонуний фаолиятини амалга оширишига қаршилик кўрсатиш, худди шунингдек чегара қўшинлари ҳарбий хизматчиларининг ҳуқуқбузарликларни тўхтатиш ҳақидаги қонуний талабларига бўйсунмаслик, –

энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Ушбу модданинг биринчи ёки иккинчи қисмларида назарда тутилган ҳуқуқбузарликлар маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга ёки ўн беш суткагача муддатга маъмурий қамоққа олишга сабаб бўлади»;

2) қуйидаги мазмундаги **$224^1$, $224^2$-моддалар** билан тўлдирилсин:

**«$224^1$-модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегараси орқали ўтказиш пунктларидаги режимни бузиш, яъни шахслар ва транспорт воситала-

4

5

***Кеча пойтахтимизда "Info Com — 2007" ахборот-коммунация технологиялари (АКТ) ҳафталиги иш бошлади. Ҳафталик Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича мувофиқлаштирувчи кенгаши, Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Ахборот ва коммуникация технологиялари масалалари қўмитаси, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, БМТ Ривожланиш дастурининг "АКТ сиёсати" лойиҳаси, Ўзбекистон ахборот технологиялари корхоналари ва ташкилотлари уюшмаси томонидан ташкил этилди.***

## Ахборот-коммуникация технологиялари ҳафталиги

Тадбир ташкилотчиларининг маълум қилишича, ҳафталикни ўтказишдан асосий мақсад АКТ бозорини янада шакллантириш ва илғор технологияларни амалиётга татбиқ этиш бўйича тажриба алмашишдир. Шунингдек, ҳафталик доирасида "ITPA — 2007 — Осиёда ахборот технологияларини ривожлантириш" халқаро анжумани, "ICTExpo — 2007" ахборот технологиялари кўргазмаси (Тошкент ва Самарқанд), "Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва Интернет ресурсларини ривожлантириш истиқболлари" медиа-форуми, «Ўзбекистон IT ассоциацияси тасарруфидаги электрон бошқарув бўйича салоҳият марказининг тақдимоти», «Электрон тижорат учун мобил, симсиз ва оптик толали алоқалар, "ICI — 2007" соҳасида Интернет ва янги авлод технологиялари" мавзуларида III Марказий Осиё халқаро конференцияси, ахборот-коммуникация технологиялари бўйича минтақавий "АКТ — 2007" саммити, шунингдек, "UZ" домени миллий интернет-фестивалининг якуний босқичи ҳам бўлиб ўтади.

Таъкидлаш жоизки, "Мамлакат босма ОАВ фаолиятида замонавий ахборот-коммуникация технологияларининг аҳамияти ва интернет ресурсларини ривожлантириш омиллари" медиа-форумида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, нодавлат, нотижорат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда етакчи газета ва журналлар бош муҳаррирлари иштирок этадилар. Тадбир доирасида эса "Ахборот-коммуникация технологиялари ва босма медиабозори ривожланишининг қонуний асослари", "Жамиятни ахборотлаштириш жараёнида журналист кадрлар маҳоратини ошириш масалалари", "Ўзбекистонда босма ОАВ веб-ресурсларининг ривожланиш жараёнлари" каби мавзуларда семинарлар ташкил этилади.



25-26 сентябрь кунлари Самарқанд шаҳрида бўлиб ўтадиган "ICTExpo — 2007" ахборот технологиялари анъанавий миллий кўргазмасида 100 дан зиёд компания ва фирмалар ўз маҳсулот намуналари ҳамда хизмат кўрсатиш турлари билан қатнашадилар.

**Саидолим ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Хоразм томонларда

***Урганч туризм коллежида «Маҳалланинг мустақиллик шароитларида фуқаролик жамияти институти сифатида тан олиниши ва уни сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, маданий соҳалардаги ролининг такомиллашуви» мавзусида давра суҳбати бўлиб ўтди.***

Маҳалла:

### КЕЧА ВА БУГУН

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти Хоразм филиали томонидан ташкил қилинган тадбирда вилоятдаги маҳаллалар оқсоқоллари, сиёсий партиялар, маҳаллий кенгашлар депутатлари, турли жамоат ва нодавлат ташкилотлари вакиллари иштирок этдилар. Унда жамиятнинг таянч устуни бўлган маҳаллаларнинг бугунги шароитдаги ҳуқуқий мақоми, фаолият асослари, фуқаролар ишончи асосида иш олиб бориши, ислоҳотларни муваффақиятли амалга оширишдаги ўрни борасида таклиф ҳамда мулоҳазалар билдирилди.

### «Келажак овози» – ёшлар таянчи

***Шовот тумани марказидаги Комилжон Отаниёзов номли маданият ва истироҳат боғининг амфитеатрида «Келажак овози» республика мегатанлови Хоразм вилояти босқичи ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.***

Жорий йилда мазкур танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган ёшлардан вилоят бўйича 1650 га яқин ариза тушган эди. Айниқса, бадиий ижод ва публицистика, тасвирий ва амалий санъат йўналишларида ўз қобилиятларини намойиш қилган ёш иқтидорлилар орасида рақобат анча кучли бўлди. Ҳакамлар ҳайъати хулосаларига кўра 7 та йўналиш бўйича 41 нафар иштирокчи танловнинг вилоят босқичида ғолиб, деб топилди. Энди улар республика босқичида яна бир карра ўз истеъдодларини намойиш қилишади.

**П. БЕКМЕТОВ.**

# ЯГОНА ОИЛАДА, АҲИЛ-ИНОҚЛИКДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Бугунги кунда мамлакатимизда бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан бирга корейслар ҳам ҳамжиҳатлик ва аҳилликда яшаб, юрт равнақи, халқ фаровонлиги йўлида меҳнат қилмоқда.

— Ота-оналаримиз тақдир тақозоси билан бундан етмиш йил аввал Ўзбекистонга келиб қолган, — дейди Ўзбекистон Қаҳрамони, Олий Мажлис Сенати аъзоси, Хива шаҳридаги 20-Меҳрибонлик уйи директори Вера Пак. — Улар ўша даврдаги қийинчиликларни, бешафқат қатағонларни, оғир синовларни изтироб билан хотирлайди. Ўзбек халқи охирги бурда нонини ҳам биз билан баҳам кўрганини, бошпана берганини ҳеч қачон унутмаймиз. Ўзбекистонда бошқа миллатлар қатори корейс миллати вакилларининг ҳам таълим олиши, турли жабҳаларда меҳнат қилиши учун барча шароит яратилган. Эндиликда фарзандларим, невараларим истиқлолнинг саодатли неъматларидан баҳраманд бўлиб яшамоқдалар.

— Миллатлар ва динлараро тотувлик, бағрикенглик, ўзаро ҳамжиҳатлик ва аҳиллик, Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқлар миллий қадриятларига ҳурмат билан қараш давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан экани таҳсинга лойиқдир, — дейди Корея Республикасидаги Корея — Ўзбекистон дўстлик уюшмаси раҳбари И. Кангду ЎзА мухбирига. — Юртингизда барча миллат вакиллари каби ўзбекистонлик корейсларнинг ҳам таълим олиши, меҳнат қилиши, саломатлигини тиклаши баробарида ўз миллий урф-одатлари, анъаналарини ривожлантириши учун барча шароит яратилганининг гувоҳи бўлдик.

— Мен Ўзбекистонда туғилиб, вояга етдим. Шу азиз заминни ўз Ватаним деб биламан, — дейди ўқитувчи Гликерия Ким. — Она юртимиз Ўзбекистоннинг мустақиллигини янада мустаҳкамлаш, гуллаб-яшнаши йўлида фидокорона меҳнат қилиш барчамизнинг муқаддас бурчимиздир.

Юртимизда Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциациясининг ташкил этилиши, корейс халқининг урф-одатлари, анъаналари, тили ва маданиятини асраб-авайлаб, янада ривожлантириш борасидаги эзгу ишлар мамлакатимиздаги миллатлараро тотувликни таъминлаш борасида изчиллик билан амалга оширилаётган сиёсатнинг ёрқин ифодасидир.



Ассоциация Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлардаги ўттиздан ортиқ корейс маданият марказларини бирлаштирган. Айни кунларда янги биноси фойдаланишга топширилган ушбу ташкилот миллатлар ўртасидаги дўстликни мустаҳкамлаш, корейс маданияти билан юртимизда истиқомат қилувчи бошқа миллатларни яқиндан таништириш мақсадида кўплаб маънавий-маърифий тадбирлар, фестиваллар, кўрик-танловлар, бадиий кўргазмалар ўтказиб келаётир.

Пойтахтимизда этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллиги муносабати билан ранг-баранг тадбирлар ўтказилаётир. Мамлакатимиздаги миллатлараро тотувлик ҳамда корейслар ҳаётига бағишланган янги китоблар, фотоальбомлар тақдимоти, ҳужжатли фильмлар премьераси, юртимизда истиқомат қилаётган корейс мусаввирларининг бадиий-фото кўргазмаси, спорт турнирлари ва халқ сайли шулар жумласидандир.

Халқлар Дўстлиги саройида ўтган тадбирда санъат усталари, ижрочи ёшлар ҳамда миллий маданият марказларининг концерт дастури намойиш этилди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентининг Давлат маслаҳатчиси Б. Абдуҳалимов, Бош вазирнинг ўринбосари, Республика Хотин-қизлар қўмитаси раиси С. Иномова, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кёнг Дже Мин иштирок этди.

**Назокат УСМОНОВА,**
**ЎзА мухбири.**
**Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.**

## КОРЕЙС РАССОМЛАР КЎРГАЗМАСИ

***Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида ўзбекистонлик корейс рассомлар кўргазмаси очилди. У этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллигига бағишлаб ўтказилаётган тадбирлар доирасида ташкил этилди.***

Ўтган асрда Ўзбекистонга кўчириб келтирилган этник корейслар бугунги кунда мамлакатимизда истиқомат қилаётган бир юз ўттиздан ортиқ миллат ва элат вакиллари билан бир қаторда турли соҳаларда самарали меҳнат қилмоқдалар. Жумладан, юртимиз тасвирий санъатида корейс миллатига мансуб ўзбекистонлик рассомларнинг ҳам ўз ўрни бор. Искра Шин, Владимир Ким, Юрий Магай, Леонид Кан, Анатолий Лигай, Светлана Цой каби мўйқалам соҳиблари шулар жумласидандир. Кўргазмада ижодкорларнинг юртимиз табиати манзаралари, халқимизнинг умрбоқий урф-одат ва анъаналари, меҳнаткаш ва меҳридарё ҳамюртларимиз ҳаёти акс эттирилган асарлари билан танишиш мумкин.

— Шу заминда туғилиб вояга етдим, — дейди Искра Шин. — Ўзбек халқининг бағрикенглиги миллатимиз вакиллари таълим олиши, истеъдодини намоён этиши, жамиятда муносиб ўрин топишида муҳим омил бўлди. Ижод аҳлига кўрсатилаётган эътибор самараси ўлароқ, республика ва халқаро миқёсдаги кўргазмаларда муваффақиятли қатнашяпмиз, меҳнатимиз қадр топмоқда.

Этник корейсларнинг Ўзбекистонда яшаётганининг 70 йиллигига бағишланган тадбирлар доирасида пойтахтимизда халқ сайли, спорт мусобақалари, корейслар ҳаётига бағишланган фильм премьераси ўтказилди.

**(ЎзА.)**

Республика Байналминал маданият маркази раҳбари Насриддин Муҳаммадиев, Ўзбекистон корейс маданият марказлари ассоциацияси раҳбари Владимир Шин, Корея Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Кёнг Дже Мин Президент Ислом Каримов раҳнамолигида барча соҳаларда ислоҳотларни изчиллик билан амалга ошириш, жамиятни демократлаштириш ва модернизация қилишда бағрикенглик, миллатлараро тотувликни асраб-авайлаш тамойилларига қатъий амал қилинаётганини алоҳида таъкидладилар.



## МАМЛАКАТ бўйлаб

### Ўзбекистон — Сингапур бизнес-форуми

(Давоми. Боши 1-бетда).

— Ўзбекистон — улкан иқтисодий имкониятлар, бой маданият ва тарихга эга мамлакат, — деди Сингапур Республикасининг Ўзбекистон Республикасидаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Сим Чеок Лим. — Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар билан ҳамкорлик учун яратилган қулай сармоявий муҳит сингапурлик ишбилармонларнинг қизиқишини тобора оширмоқда. Бу омил келгусида ҳамкорлигимизнинг янада кенгайишига хизмат қилади. Мамлакатларимиз ўртасидаги савдо-иқтисодий ва гуманитар алоқаларни янада ривожлантиришдан манфаатдормиз.

Анжуманда Сингапурнинг қатор йирик компаниялари вакиллари иштирок этди. Хусусан, ахборот технологиялари соҳасида фаолият юритувчи «Singapore Technologies Electronics», халқ истеъмоли маҳсулотлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган «Silkino International», автосаноат соҳасида ишлайдиган «Hwa Kong Trading» ва сайёҳлик соҳасида фаолият юритувчи «Prime travel and Tours» каби компаниялар Ўзбекистон бозоридаги ўз ўрнини янада кенгайтириш ниятида эканлиги таъкидланди.

Сингапур делегацияси аъзолари мамлакатимизнинг қатор вазирлик ва идораларида бўлиб, ҳамкорликни кенгайтириш масалалари юзасидан музокаралар ўтказди.

**И. УМАРОВА,**
**ЎзА мухбири.**

### Алоқачилар ҳиммати

■ Савоб ишнинг катта-кичиги бўлмайди. Андижон шаҳридаги 20-алоқа бўлими жамоаси кўзи ожизлар, йигитлик бурчини ўтаётганларга қулайлик яратиш мақсадида турли жўнатмаларни қабул қилиш, уларни кўрсатилган манзилга бепул етказиб беришни йўлга қўйдилар.

Ногиронлар, кексалар, уруш иштирокчиларига сидқидилдан хизмат кўрсатиб келаётган алоқачилар айни дамда газ, электр ва тоза ичимлик суви ҳамда коммунал тўловларни қабул қилишда ҳам турдош жамоаларга ўрнак бўлаётир.

**О. ШОДМОНАЛИЕВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

### Совриндор ўқитувчи

***Москвада ўтказилган МДҲ ва Болтиқбўйи давлатлари рус тили ўқитувчиларининг халқаро кўрик-танловида Чортоқ туманидаги 17-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Асқарали Маматов ғолиб чиқиб, диплом ҳамда махсус соврин билан тақдирланди.***

■ Анъанавий танлов иштирокчилари бу галги беллашувда «Компьютер авлодига рус тили керакми?» мавзуидаги ижодий ишлари билан қатнашдилар. Ўн тўрт давлат вакиллари орасида мамлакатимизнинг етти нафар рус тили ва адабиёти ўқитувчиси ғолибликни қўлга киритиб, лауреат унвонига сазовор бўлишди.

**Қ. НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

**Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида**

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 21 июнда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 24 августда маъқулланган

**1-модда.** Ўзбекистон Республикасининг 1994 йил 22 сентябрда қабул қилинган 2015–XII-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий**

2

**жавобгарлик тўғрисидаги кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 3, 6-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 9, 193-модда, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5–6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда, № 4–5, 126-модда, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5–6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5–6, 153-модда, № 7–8, 217-модда; 2001 йил, № 1–2, 23-модда, № 9–10, 165, 182-моддалар; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9–10, 149-модда; 2004 йил, № 1–2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 312-модда, № 12, 413, 417, 418-моддалар; 2006 йил, № 6, 261-модда, № 9, 498-модда, № 10, 536-модда, № 12, 656, 659-моддалар; 2007 йил, № 4, 158, 159, 164, 165-моддалар) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

3

рининг ўтказиш пунктларида бўлиши ҳамда ҳаракатланиши тартибига риоя этмаслик, шахсларнинг ўтказиш пунктларидаги тақиқланган жойларга ва транспорт воситаларига ғайриқонуний кириши, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса – ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

**$224^2$- модда. Ўзбекистон Республикасининг Давлат чегарасида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш**

Ўзбекистон Республикасининг Давлат чега-

6

расида барпо этилган муҳандислик-техника иншоотларини ва тўсиқларни йўқ қилиб юбориш ёки уларга шикаст етказиш, –

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг уч бараваридан беш бараваригача, мансабдор шахсларга эса – беш бараваридан ўн бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Худди шундай ҳуқуқбузарлик маъмурий жазо чораси қўлланилганидан кейин бир йил давомида такрор содир этилган бўлса, –

ҳуқуқбузарлик содир этиш қуролини мусодара қилиб, фуқароларга энг кам иш ҳақининг беш бараваридан ўн бараваригача, мансабдор шахсларга эса — ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади»;

3) **245-модданинг биринчи қисми** «196» рақамидан кейин «$196^1$» рақами билан, «222» рақамидан кейин эса «$224^1$, $224^2$» рақамлари билан тўлдирилсин;

4) **287-модданинг 2-банди** қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

7

Буклаш чизиғи

Қирқиш чизиғи

***Йўллар, кўприклар қуришга катта эътибор бериб келинаётгани мустақиллик йилларида эришилган салмоқли ютуқлардан бири бўлди. Кенг ва равон кўчалар шаҳару туманларимиз чиройини очиш билан бирга, савдо-сотиқ, ишлаб чиқаришни ривожлантириш, демакки, аҳоли фаровонлигини оширишда муҳим ўрин тутмоқда.***

***Албатта, бу ишлар ўз-ўзидан бўлаётгани йўқ. Аввало, йўл қурилиши, йўлсозлар фаолиятини маблағ билан таъминлашнинг янгича усули жорий этилди. Молия вазирлиги қошида алоҳида йўл жамғармаси ташкил этилганлиги боис соҳа учун эҳтиёжга яраша маблағ ажратила бошланди. Бу эса, ўз навбатида, хориждан қудратли машина ва механизмлар сотиб олиш, йўлсозлар меҳнат шароитини яхшилаш, иш унуми, сифатини кўтаришга имкон яратди. Лекин, афсуски, ҳукуматимиз томонидан олиб борилаётган ушбу хайрли иш баҳонасида ўз ғаразли ниятини кўзлаганлар ҳам чиқиб қолди. Миллий хавфсизлик хизматининг Хоразм вилояти бўйича бошқармаси томонидан “Хоразмавтойўл” магистраль йўллар бошқармасининг (МЙБ) бир гуруҳ раҳбарларига нисбатан 2006 йил март ойида қўзғатилган жиноят иши материаллари ана шундан далолат бермоқда. 40 нафар мансабдор шахслар, етакчи мутахассислардан иборат бу жиноий гуруҳ фаолиятига бошқармани 1988 йилдан буён бошқариб келган Валерий Полвонов бош бўлган.***

# НАФСИ ТИЙИЛМАДИ –

Жиноят ишини тергов қилиш жараёнида йўл қурилиши соҳасида жуда катта миқдорда давлат мулки, маблағини ўзлаштириб келган жиноий гуруҳ фаолияти анчайин илдиз отиб кетганлиги, бу ишнинг Тошкент шаҳри ва республиканинг бошқа вилоятларидаги хусусий фирмалар, ташкилотлар билан ҳам боғлиқ ҳолатлари аниқланди. Шунга кўра, Миллий хавфсизлик хизматининг Тергов бошқармаси ушбу жиноят ишини ўз юритувига олди. Таъкидлаш зарурки, бу уюшган жиноий гуруҳ қилмишларини фош этиш, олғир кимсаларни тегишли жойга ўтказиб қўйиш осон кечгани йўқ. Чунки фирибгарлар тўдаси тажрибали, устомон, анча-мунча қалбаки ишларни ҳам текислаб кетишга қодир мансабдор шахслардан иборат эди. Шунинг учун ҳам уларни аниқлаб, жиноий фаолиятига чек қўйиш бўйича жадал олиб борилган тезкор тергов тадбирларига Миллий хавфсизлик хизматининг тажрибали оператив ходимлари, алоҳида муҳим ишлар бўйича терговчилари сафарбар этилди. Жиноят иши материалларининг ҳажми тергов тадбирлари ниҳоясида 52 та ишжилдга етди.

Кейинги йилларда йўлларимизни жаҳон андозаларига жавоб берадиган ҳолатга келтириш учун катта-катта маблағлар ажратилаётганини кўрган мазкур жиноий гуруҳ бу хайрли ишда ўз ғаразли манфаатини кўзлади. Тез орада "Хоразмавтойўл" йўл қурилиш ҳудудий шуъба ташкилоти (ЙҚҲШТ) атрофида худди ёмғирдан кейин чиққан қўзиқориндай "ISTIQLOL-VIKANT", "Мирзо Улуғбек", "Дунё кабутари" хусусий фирмалари, "Светлиха", "Миф-Свет-Восток" хусусий корхоналари, "Йўлқурилишсервис", "Жабалинур" масъулияти чекланган жамиятлари (МЧЖ), "Шараф-Элви-Свет" савдо ишлаб чиқариш фирмаси кабилар пайдо бўлди. Бу хусусий корхоналарга Валерий Полвоновнинг яқин қариндошлари, содиқ гумашталари раҳбар бўлишди. Унинг ўғли Шароф Полвонов бир вақтнинг ўзида "Миф-Свет-Восток" хусусий корхонаси, "Шараф-Элви-Свет" савдо ишлаб чиқариш фирмаларининг раҳбари, "Йўлқурилишсервис" МЧЖ директори ва "Урганч автойўл қурилиш ва таъмирлаш" МЧЖ таъсисчиси бўлиш билан бирга, 2005 йилдан бери "Хоразмавтойўл" МЙБ бошлиғининг механизация бўйича ўринбосари лавозимларини эгаллаб келган. "ISTIQLOL-VIKANT" фирмаси ва "Светлиха" хусусий корхонасини эса Б. Рўзметов бошқарган бўлиб, у айни бир вақтда "Хоразмавтойўл" МЙБда таъминотчи лавозимида ҳам ишлаб келган.

Гапнинг пўсткалласини айтганда, ушбу хусусий корхонаю фирмачаларда жарангдор ному жимжимадор муҳр, нафси ҳакалак отган раҳбарлардан бошқа ҳеч вақо йўқ эди. Уларнинг бухгалтерлари уйларида ўтириб иш юритган, бино, омборхона, деганлари умуман бўлмаган. Тўғриси, булар шарт ҳам эмасди. Чунки, бу фирмаларни очишдан мақсад бошқа эди. Шу сабаб ими-жимида ташкил этилган бу фирмаларда анча-мунча корчалонларнинг-да юраги дов бермайдиган катта-катта кўзбўямачилик, ўзлаштиришлар содир этилган. Йўл қурилиши учун ажратилган миллионлаб сўм давлат маблағлари ана шу ғирром фирмаларнинг ҳисобига, тўғрироғи, жиноий гуруҳ аъзоларининг чўнтагига тушган. Сохталаштирилган ҳужжатларда битилишича, ушбу фирмалар томонидан "Хоразмавтойўл" йўл қурилиш ҳудудий шуъба ташкилоти (ЙҚҲШТ), ҳудудий таъмирлаш пудрат фойдаланиш корхоналарига (ҲТПФК) қурилиш материаллари, эҳтиёт қисмлар етказиб берилган. Аслида эса товарсиз хуфиёна олди-бердилар амалга оширилган. Ҳақиқатда бўлмаган товарлар фирмага кирим қилинган, 1-2 кун ўтиши билан улар йўл қурилиши корхоналарига чиқим қилинган. Аслида умуман йўқ, фақат қоғоздагина "бор" бўлган хом ашё, эҳтиёт қисмлар учун фирмаларга жарақ-жарақ мўмай пуллар келиб тушаверган.

Масалан, уюшган жиноий гуруҳ аъзолари МЙБ техника механизация цехи бошлиғи Рустам Самандаров ва бошқа шахслар билан жиноий тил бириктириб, 2005 йил 31 август куни 40-сонли ҳисобварақ-фактура билан 40 миллион 264 минг 100 сўмлик эҳтиёт қисмлардан 9 миллион 410 минг сўмлигини, 2005 йил 23 ноябрь куни 43-сонли ҳисобварақ-фактура билан 28 миллион 80 минг сўмлик эҳтиёт қисмларни, жами 37 миллион 490 минг сўмлик ҳақиқатда мавжуд бўлмаган эҳтиёт қисмлар "ISTIQLOL-VIKANT" фирмасидан "Хоразмавтойўл" МЙБга етказиб берилгани ҳақидаги ҳисобварақларни тайёрлаб, жиноят изларини яширишга эришганлар. Р. Самандаровни эса бу сохтакорликка, яъни аслида етказиб берилмаган эҳтиёт қисмлар ҳужжатларига қабул қилиб олганлиги ҳақида имзо қўйишга В. Полвонов мажбур қилган.

Бундан ташқари, ушбу найрангбоз фирмалар орқали Хоразм вилоятидаги бир қанча бошқа фирмалар, Андижон вилоятининг Избоскан туманидаги "Пойтуғ саноат савдо" корхонаси, Қўқон шаҳрининг "Саховатпеша", "Ширин-М" , "Шербо-М" хусусий корхоналари, Тошкент шаҳридаги "Орион Стар" МЧЖ билан ҳам ноқонуний битишувлар амалга оширилган.

Тергов жараёнида бюджет маблағларини шу йўл билан ўзлаштириш ҳолатлари жуда кўп марта юз бергани аниқланди. Уларнинг ҳар бири бўйича давлатнинг ўнлаб, юзлаб миллион сўм маблағлари қалбаки фирмачаю корхоначалар орқали жиноятчиларнинг ҳамёнига ўтиб кетаверган. Кўп ҳолларда ҳаводан олиб тузилган ҳисобварақ-фактураларнинг рақами, қайси куни тузилгани каби зарур маълумотлар, текширувчиларни чалғитиш мақсадида бўлса керак, атайин кўрсатилмаган.

2003 — 2005 йиллар мобайнида жиноий гуруҳ аъзолари томонидан 1 миллиард 83 миллион сўмликдан зиёд чақилган тош кирим қилинган бўлса-да, аслида 2006 йилнинг март ойи ҳолатига кўра, асфальтбетон цехи бошлиғи Ҳ. Ҳайитбоевнинг жавобгарлигида 237 миллион 757 минг сўмлик қолдиқ қолиши зарур эди. Жиноятни яшириш мақсадида юлғичлар ҳақиқатда мавжуд бўлмаган 831 миллион сўмликдан зиёд чақилган тошни йўл қурилиш корхоналарига чиқим қилишга эришганлар. Бунинг учун В. Полвоновнинг буйруғи билан иш кўрган гумашталар туман йўл қуриш участкалари бошлиқларига фақатгина қоғоздагина мавжуд бўлган шағални Ҳ. Ҳайитбоевдан сохта ҳисобварақ-фактуралар орқали ҳақиқатда етказиб берилган 983 миллион сўмлик чақилган тош қаторида қабул қилдиришган. Қаранг, чақилган тошнинг салкам ярми қўшиб ёзиб юборилган. Мабодо "Йўқ маҳсулотга имзо қўймайман", дейдигани чиқиб қолса, у Полвоновнинг қаҳр-ғазабига дучор бўлар эди.

Республика йўл жамғармасидан автомобиль йўллари қуриш учун ажратилаётган маблағларни ўзлаштириш билан боғлиқ жиноятларни яшириш мақсадида сохта ҳисобварақ-фактуралар орқали мансабдор шахсларга чиқим қилинган жуда кўп миқдордаги чақилган тош бажарилган ишлар ҳажмига қўшиб ёзиб юборилгани оқибатида 2003 йилнинг 4 чораги, 2004-

# ЖАҲОН 24 соат ичида

## Манфаатларга зидми?



***АҚШ Эронни Ироқдаги жангариларга замонавий қурол-яроғ етказиб бераётганликда айблаб чиқди.***

Ироқдаги Америка қўмондонлиги расмий вакили Марк Фокснинг сўзларига кўра, коалиция кучлари жангариларга қарши ўтказаётган кенг кўламли ҳарбий амалиётлар чоғида бу маълумотни тасдиқловчи далилларни қўлга киритган.

Эрон Президенти Маҳмуд Аҳмадинежод ушбу айбловни кескин рад этиб, Ироқдаги беқарор вазиятнинг сақланиб қолиши расмий Теҳрон манфаатларига зид эканлигини билдирди.

## Маҳбуслар озод этилади

**Исроил ҳукумати Рамазон ойи муносабати билан 90 нафар фаластинлик маҳбусни озод этиш тўғрисидаги қарорни тасдиқлади. Мазкур қарорни ҳукумат аъзоларининг 16 нафари қўллаб-қувватлаган бўлса, 6 нафари қарши овоз берди. Бир вазир бетараф қолди. Фаластинлик маҳбусларнинг барчаси исроилликларга ҳужум уюштиришда айбланиб, қамоққа олинганди.**

## Вазирлик вакили баёноти



Италия Мудофаа вазирлиги вакили Афғонистонда икки нафар италиялик ҳарбий хизматчи йўқолиб қолгани тўғрисида баёнот берди. Баёнотда таъкидланишича, ҳарбийлар сўнгги 24 соат давомида қўмондонлик билан алоқага чиқмаган, бу эса уларнинг гаровга олинганини англатиши мумкин. Афғон полицияси хорижлик аскарларни қидиришга киришди. Мамлакат ҳукумати ҳозирча мазкур маълумотга изоҳ беришдан тийилиб турибди. Толиблар вакили ҳам италияликлар ҳақида ҳеч бир маълумотга эга эмаслигини билдирди.

## Косовода портлаш

***Косово пойтахти Приштинда кеча эрталаб портлаш рўй берди. Натижада икки киши қурбон бўлди, 11 киши турли даражада жароҳатланди.***



Бу ҳақда маҳаллий полиция вакиллари маълум қилишди. Расман Сербия таркибига кирувчи Косово ҳудудида ҳозирда НАТО кучлари барқарорликни таъминлаб турибди. Айни пайтда портлаш нима мақсадда амалга оширилгани ва унинг орқасида қандай кучлар тургани ҳақида бирор маълумот йўқ.

**Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.**


## «Крокус Газ Сервис» ҚК

**«Газдевайс» ЁАЖ ва «Сигнал» ЭАБнинг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни таклиф этади:**

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари *(200 кВт ва 400 кВт);*
- буғ қозонлари *(соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);*
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари *(100 кВт ва 200 кВт);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар *(7 кВт дан 16 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар *(20 кВт дан 100 кВт гача);*
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар *(10 кВт дан 40 кВт гача).*

***Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.***
***Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.***

**Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:**
**1. Тошкент ш., «Миробод» (собиқ «Госпитал») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.**
**2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесишган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.**

410Н/889


**Ҳамкорлик**

***Эндигина ўн ёшни қаршилаган ромитанлик Охунжон Бозоровнинг саломатлиги тикланишига умид пайдо бўлди. Гап шундаки, у ижтимоий ҳимояга эҳтиёжманд оила фарзанди сифатида айни дамда Германияда даволанмоқда.***

## Саломатлик йўлида

Охунжонга ўхшаб жиддий муолажага эҳтиёж сезаётган жами етти нафар бухоролик 12 ёшгача бўлган бола немис клиникаларида даволаш курсини олаяпти. Бу хайрли иш «Соғлом авлод учун» халқаро хайрия жамғармаси, республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва Германиянинг «Фридендарф Интернейшнл» халқаро хайрия ташкилоти ўртасидаги ҳамкорлик натижасида амалга оширилмоқда.

2008 йилнинг февралида яна олти нафар бола Германия клиникаларида даволаниш учун юборилади.

**Истам ИБРОҲИМОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


www.solar-ct.com

## ЯШАШ УЧУН SOLAR MASTER ВАГОНЧАЛАРИ

- **автономлик** (узоқ ва бориш қийин бўлган жойларда фойдаланишда қулай)
- **мобиллилик** (ташиш ва монтаж қилиш осон)
- **унумлилик** (яшаш, ошхона, офис, санитария-гигиена хонаси сифатида фойдаланиш + ичини алоҳида жиҳозлаш)
- **қулайлик** (иссиқликни сақлаш, хавфсизлик)

**ҚУЁШ ТЕХНОЛОГИЯСИНИ ҚЎЛЛАШ**

Қуёш энергияси билан электр қуввати ишлаб чиқариш, ёритиш ва сувни иситиш учун



**Тел./факс: (+99890) 327-48-39, (99871) 254-14-90**
**E-mail: info@solar-ct.com**

Маҳсулот сертификатланган.

www.solar-ct.com



## ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ ХАБАРИ

**ФУҚАРОЛАРНИНГ БАНКЛАРДАГИ ОМОНАТЛАРИНИ КАФОЛАТЛАШ ФОНДИ РЕЕСТРИ ҲИСОБИДА ТУРУВЧИ БАНКЛАР РЎЙХАТИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ.**

1. Ўзбекистон Республикаси Ташқи иқтисодий фаолият миллий банки.
2. «Асака» давлат-акциядорлик тижорат банки.
3. Ўзбекистон акциядорлик тижорат саноат-қурилиш банки.
4. «Ипотека-банк» акциядорлик тижорат ипотека банки.
5. Акциядорлик тижорат «Пахта банк».
6. Республика акциядорлик тижорат банки «Ғаллабанк».
7. Акциядорлик тижорат «Турон» банки.
8. «Микрокредитбанк» акциядорлик тижорат банки.
9. Ўзбекистон—Германия «Савдогар» акциядорлик тижорат банки.
10. Акциядорлик-тижорат «Алоқабанк».
11. «Ипак йўли» акциядорлик инновация тижорат банки.
12. «Ҳамкорбанк» акциядорлик-тижорат банки.
13. «Капитал банк» акциядорлик-тижорат банки.
14. «Трастбанк» хусусий очиқ акциядорлик биржа банки.
15. «Парвина банк» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
16. «Алп Жамол банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
17. «Туркистон» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат инвестиция банки.
18. «Давр банк» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
19. «Ўктамбанк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
20. «Самарқанд» хусусий ёпиқ акциядорлик-тижорат банки.
21. «Универсал банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
22. «Равнақ банк» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
23. «Кредит-Стандарт» хусусий очиқ акциядорлик-тижорат банки.
24. «ЎзКДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамияти.
25. Ўзбек—Турк қўшма банки «ЎТ банк».
26. «АБН АМРО банк Ўзбекистон МБ, ХЖ».
27. Эрон «Содерот» банкининг Ўзбекистон Республикаси Тошкент шаҳридаги шўъба банки.

**Ушбу банклардаги аҳолининг омонатлари фонд томонидан қонунчиликка мувофиқ кафолатланган.**

1407R/1741



**ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОР ХОНИМЛАР ВА ЖАНОБЛАР!**

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси**
## «Универсал биржа маркази» Фарғона вилояти филиали
**очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.**

**2007 йил 30 октябрь куни Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47-«А» уй, «Универсал биржа маркази» биносида бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига суд ижрочилари томонидан хатланган қуйидаги мулк қўйилмоқда:**

Суд ижрочиларининг Марғилон шаҳар бўлинмаси томонидан 2006 йил 20 ноябрдаги 15-06-05/4256-сонли ижро ҳужжатига асосан рўйхатга олинган, Марғилон шаҳри, Янги Марғилон шаҳарчаси, А.Набиев кўчаси манзилида жойлашган 15-қурилиш трестига қарашли бино ва иншоотлар.

Бошланғич баҳоси — 56 905 526 сўм.

Мулк 2007 йил 30 октябрь кунидаги савдода сотилмай қолса, 2007 йил 2, 6, 9, 13, 16 ноябрь кунлари қайта савдога чиқарилади.

Савдода иштирок этиш учун топшириладиган аризалар ва закалат пулларини қабул қилиш савдодан бир кун олдин соат 15.00 да тўхтатилади.

Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари масалалари юзасидан, шунингдек, савдога қўйилган мулклар билан танишиш истагида бўлганлар қуйидаги манзилга мурожаат қилишлари мумкин:

**Ўзбекистон Банклари ассоциацияси «Универсал биржа маркази», Фарғона шаҳри, А.Навоий кўчаси, 47 «А»-уй.**
**Телефонлар: 226-95-98, 226-45-48.**

***Лицензия серияси ДВ 001 № 000010.***

1405R/1736


# РИЗҚИ ҚИЙИЛДИ

## Яхшидир аччиқ ҳақиқат...

2005 йиллар мобайнида 21 ҳолатда 1 миллиард 23 миллион сўмдан ортиқ давлат маблағи ўзлаштириб юборилган.

Йўл қуриш, таъмирлаш корхоналарига аслида мавжуд бўлмаган чақилган тош кирим қилинган бўлса, у ҳолда қурилиш ишлари қандай бажарилди экан, деган савол туғилиши табиий. Ахир йўл ётқизиш учун қоғоздаги эмас, ҳақиқий тош керак. Олғирлар тўдаси бажарилаётган ишларнинг ҳам бўйидан, ҳам энидан қисқартириб, сифатини пасайтириш эвазига бунинг ҳам уддасидан чиқди. Масалан, вилоятдаги 4к938А автойўлида олиб борилган 238 миллион 292 минг сўмлик тўлиқ таъмирлаш ишлари назорат тартибида ўлчаб кўрилганда 61 миллион 874 минг 178 сўмлик иш ҳажми қўшиб ёзилганлиги аниқланган. Бажарилган ишларни қабул қилиш далолатномасида чақилган тошдан асос қуриш бўйича 25 см. баландликда бажарилган, деб ёзилган, аслида чақилган тошдан асос 15 см. баландликда қурилган эди. Шунингдек, далолатномада пиёдалар учун йўлакчанинг тагида чақилган тошдан 10 см. қалинликда асос қурилди, деб кўрсатилган, лекин аслида умуман чақилган тошдан асос қўймай, фақатгина чиқинди асфальт бўлаклари ва тошлари ётқизилган экан. Аксарият ҳолларда керакли қалинликда чақилган тош ётқизиш ўрнига йўлнинг устки қатлам асфальти кавлаб олиниб, яна қайтадан ишлатилар эди.

Вилоятдаги 4р162А автойўлининг 0-2,2 километрларида бажарилган ўрта таъмирлаш ишлари мутахассислар томонидан назорат ўлчовидан ўтказилганда жами 91 миллион сўмдан зиёд бажарилмаган ишлар қўшиб ёзилгани аниқланди. Бу каби ҳолатлар жуда кўп марта содир этилгани тергов даврида фош бўлди.

Бора-бора қўшиб ёзиш, кўзбўямачиликлар шу даражада авж олдики, қалбаки ҳужжатлар орқали фирмалардан кирим қилинган чақилган тош, асфальт-бетон маҳсулотларининг камомадини қоплаб, "текислаб"гина қолмай, анча-мунча ҳисобга кирмаган маҳсулот "захирасини" яратишга ҳам муваффақ бўлинди. Бу "захирадан" В. Полвоновнинг қариндош-уруғларига қарашли ҳовли-жойлар текинга асфальтлаб бериларди. Масалан, 2005 йил август ойида В. Полвонов МЙБ бош муҳандиси Р. Саидовга ўғли Шарофнинг уйи олдидаги кўчани асфальт қилишга буйруқ берган. Шу куннинг ўзида керакли ишлар бошланиб, кечгача жами 122 тонна асфальт ётқизилган. Бу ҳақда бирон-бир ҳужжат ҳам тузилмаган, уй эгаси бир сўм ҳам тўламаган. Худди шу тартибда В. Полвоновнинг қизи Динаранинг уйида ҳам 55 тонна асфальт ётқизилган.

Бундан ташқари, бир қатор ташкилотлардан нақд пул олиш эвазига яширинча буюртмалар ҳам бажарилган. Жумладан, 2004 йил август ойида Урганч тумани Ғойбу қишлоғидаги кўча 800 минг сўм нақд пул эвазига асфальтланиб, давлат ҳисобидан жами 228 тонна асфальт ётқизилган. Шу ойда Боғот туман "Деҳқон бозори" ҳудудида асфальтлаштириш ишлари ўтказилиб, жами 687 тонна асфальт ётқизилиб зичланган. Бунинг эвазига бош муҳандис Р. Саидов 2,5 миллион сўм нақд пул олган. Ҳақиқатда эса назорат ўлчови ўтказилганда 16 миллион 468 минг 848 сўмлик асфальтлаш ишлари бажарилгани аён бўлди.

2005 йил август ойида Янгибозор тумани марказий ўйингоҳида асфальтлаш ишларини ўтказишга 20 машинада асфальт сарфланиб, ҳар бири 60 минг сўмдан баҳоланган. Бунинг эвазига жиноий гуруҳ аъзолари томонидан 1 миллион 200 минг сўм олинган. Ўйингоҳда бажарилган ишлар миқдори ўлчаб кўрилганда "Хоразмавтойўл" МЙБ ҳисобидан 11 миллион 246 минг сўмлик асфальтлаш ишлари бажарилгани аниқланган. 1 миллион қаёқдаю 11 миллион қаёқда?! Давлатнинг, халқнинг 11 миллион сўмининг олғирларнинг чўнтагига тушган бир миллиончалик қадри йўқмиди?! Шуни айтадилар-да "Дунё куйса куйсин, девонанинг кабоби пишсин", деб...

Жиноий тўда етакчиси В. Полвонов хусусийлаштириш вақтида ҳам давлатнинг катта миқдордаги мулкини сув-текинга ўзиники қилиб олган экан. У "Хоразмавтойўл" МЙБга тегишли бўлган "Урганч-Хива" йўли яқинида жойлашган ёрдамчи хўжаликни давлат тасарруфидан чиқариш йўли билан ўзлаштирган. Бунинг учун, аввало, В. Полвонов асл мақсадини яшириб, ёрдамчи хўжаликни дастлаб Максим Тю деган фуқаро номига расмийлаштирган. Давлат мулк қўмитаси Хоразм вилояти ҳудудий бошқармасининг 2000 йил 6 ноябрдаги буйруғига асосан ёрдамчи хўжаликнинг сотилиш баҳоси 8 миллион 317 минг 228 сўм қилиб белгиланган. Шундай қилиб, собиқ ёрдамчи хўжалик хусусий мулк сифатида уни сотиб олган М. Тю номига расмийлаштирилади. Лекин орадан ҳеч қанча вақт ўтмай "лоп" этиб В. Полвоновда ёрдамчи хўжаликка эгалик қилиш истаги пайдо бўлиб қолади. 2002 йил 29 апрель куни М. Тю ўзига қарашли 2,41 гектар ер майдони ҳамда бино ва иншоотлари бўлган ёрдамчи хўжаликни В. Полвоновга 8 миллион 320 минг сўм нархда сотганлиги ҳақида шартнома тузилди. Шундай қилиб, аслида 30 миллион сўмдан ҳам қиммат турадиган ёрдамчи хўжалик атиги 8 миллион эвазига Полвоновнинг шахсий мулкига айланган.

**Б**ир қарашда бу "олди-сотди"ларда бошқарма бошлиғининг айби йўқдек. Чунки у М. Тюдан бу мулкни ўзаро келишилган нархда сотиб олди-да! Лекин икки йил аввал бу ёрдамчи хўжалик М. Тюга қандай сотиб юборилганлигидан хабар топган киши коса тагида ним коса борлигини пайқайди. Чунки ўшанда хусусийлаштириш ҳақидаги қонунчилик, ҳукумат қарорларининг муҳим талаблари қўпол равишда бузилган эди. Аниқроғи, хусусийлаштириш тадбири мулк эгаси бўлган корхона меҳнат жамоаси, шу ердаги жамоат ташкилотлари, молия идораси, банк, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашининг вакиллари ва бошқа мутахассислардан иборат бўлган Комиссия тузмасдан, сотилаётган мулкнинг ҳақиқий баҳоси ҳисобга олинмай, яна бир қанча қонунбузарликлар содир этган ҳолда ўтказилган. Сабаби, ўшанда ёрдамчи хўжаликни арзонгаров сотишга жон куйдирган В. Полвонов кейинроқ уни шу нархда ўзига қайтариб олишни ҳам режалаштириб қўйган эди.

Яна шуниси қизиқки, "Хоразмавтойўл" МЙБга қарашли 2-сонли хўжалик бўлими ишчилари аллақачон сотилиб, хусусий мулкка айланиб кетган собиқ ёрдамчи хўжаликда гўёки ҳеч нима бўлмагандай ишлаб юришаверган. Улар учун бошқарма томонидан 2006 йил 1 чорагига қадар 70 миллион 600 минг сўмликдан ортиқ иш ҳақи ҳам мунтазам тўлаб келинган. Ҳолбуки, бу ердаги ишчилар В. Полвоновга қарашли жами 85 бош мол-қўйларни боқиш, 2 гектардан зиёд бўлган ер майдони ва боғда Полвоновлар оиласи эҳтиёжи учун мева ва полиз маҳсулотлари етиштириш, ҳар хил консервалар тайёрлаш билан банд эдилар.

Худди шундай ҳолат хусусийлаштирилган "Отчопар" мажмуасида ҳам қайд этилиб, у ерда ишлаб юрган 33 нафар ишчи-хизматчига аввалгидек давлат ҳисобидан маош тўлаб келингани оқибатида қарийб 13 миллион сўм талон-торож қилинган.

Вилоят йўл қурилиши корхоналари тасарруфидаги кўзга кўринган нимаики иншоот бўлса арзон нархда Полвоновларнинг қўлига бирин-кетин ўтиб кетаверган. Жумладан, улар қаторига В. Полвоновнинг қизи Динара ва куёви Т. Рузматовларга тегишли "Зарина Фаровон" фермер хўжалиги номига сотиб олинган "Чолиш Кемпинг", "Бахт" меҳмонхоналари, Хонқа ЙХТПФКга қарашли консерва цехини ҳам киритиш мумкин.

Ота-ўғил Полвоновлар ҳамда уларнинг ҳамтовоқлари давлат маблағини ўзлаштиришнинг шундай маълум ва номаълум, айтиш мумкинки, "ноёб" усулларидан фойдаланиб келганки, уларнинг топқирлигидан ёқа ушлайди киши. Гўёки юлғичлар тўдаси текин даромаднинг нимаики катта-кичик туйнуги бўлса ҳаммасига бош суқиб, қўлига нима илинса олиб чиққандек. Аслида йўқ, лекин қалбаки ҳужжатларда "бор" бўлган техника воситаларининг ижараси учун ўзларига қарашли фирмаларга мўмайгина пулларни ўтказиб бериш борми, ушбу фирмалардан эски, яроқсиз ускуналарни янгисининг нархида сотиб олиш борми, давлатдан ўғирланган пулларга сотиб олинган қимматбаҳо хорижий автомашиналарни яна шу фирмаларга кирим қилиш йўли билан "кўздан пана" қилиш борми, Полвоновларнинг роҳат-фароғати учун Тошкентдаги "Паркент" бозоридан сотиб олиб, "КамАЗ"да Хоразмга юборилган испан кафели ва яна аллақанча қимматбаҳо мебеллар учун "Қурилиш моллари ва эҳтиёт қисмлар етказиб берилгани учун" деган важ билан "ISTIQLOL-VIKANT" фирмасидан 20 миллион сўм ўтказиб юборилгани борми, бошқармадаги "ёғлиқ" лавозимларни қўли эгри кимсаларга минглаб АҚШ доллари эвазига пуллаш борми... Хуллас, ҳамма-ҳаммаси ишга солинган. Ҳатто қўли қадоқ йўл ишчиларининг ҳақига хиёнат қилишдан ҳам тоймаганлар.

**А**мударё устига кўприк қурилишида жонбозлик қилган "Хоразмавтойўл" йўл қурувчиси Каримбой Давлатов Юртбошимиз томонидан махсус совға — "Нексия" автомашинаси билан тақдирланган эди. 2004 йил 12 март куни кўприкнинг очилиш маросимида вилоят ҳокими И. Бобожонов совғани йўл қурувчига топширган. Уни қабул қилиб олган Каримбой ўзи бошқара олмагани учун автомашинани бошқарма механигининг кўмагида "Хоразмавтойўл" МЙБ ҳовлисига киритиб қўйди, холос. Эртасига келиб машина ғойиб бўлганини кўрди. Ҳамманинг кўз ўнгида куппа-кундуз куни ўғирлик юз берган бўлса-да, қоғозда ҳаммаси қонуний бўлди. В. Полвоновнинг амри билан "Нексия" 9 миллион сўмга "ISTIQLOL-VIKANT" фирмаси раҳбари Б. Рўзметовга сотилгани ҳақидаги олди-сотди шартномаси 2004 йил 19 март куни нотариус орқали расмийлаштирилди. Лекин машина эгасига бу пулдан бирон сўмини ҳам беришмади. Полвоновдай раҳбарнинг танобини тортадиган киши борлигига К. Давлатов ишонмасди, шунинг учун ҳам ўз ҳақини талаб қилиб бирон жойга арз қилмади. Сув-текинга қўлга киритилган машина эса Полвоновнинг гумашталарига жарақ-жарақ пул келтира бошлади. "ISTIQLOL-VIKANT" фирмаси ва "Хоразмавтойўл" МЙБ ўртасида 2004 йил 1 апрель куни тузилган ижара шартномасига мувофиқ "Нексия" автомашинаси ойига 250 минг сўм миқдордаги ижара ҳақи эвазига "Хоразмавтойўл" бошқармасига ижарага берилган ва Полвоновнинг жиноий шерикларидан бири бўлган Р. Саидовни олиб юрган.

В. Полвонов бир томондан давлат маблағини ўмарса, иккинчи томондан қўл остидагиларга мунтазам тазйиқ ўтказиб, улардан совға-салом, пора талаб қиларди. Ўринбосарлари, бўлим, участка бошлиқлари, туман йўл хўжалиги раҳбарлари ҳар йили унинг туғилган куни, турли байрамларда лавозимига қараб қўчқору ҳўкиздан тортиб то қимматбаҳо гиламларгача олиб борар эди. Совға бермаганларни эса баҳона топиб, ҳафталик мажлисларда ҳақорат қилаверарди.

Республикамиз харитасини билган кишига аёнки, Хоразм вилояти ҳудудий жиҳатдан катта эмас. Туман ва қишлоқларни боғловчи йўллар тармоғи ҳам шунга яраша. Шундай экан, ана шу мўъжазгина вилоят йўл қурилиши учун ажратилаётган миллиардлаб сўм маблағлар худди қумга сингган сувдек ғойиб бўлаётганини республика йўл жамғармасида ўтирган масъул раҳбарлар билишмаганмиди? Билиб билмасликка, кўриб кўрмасликка олишди. Чунки кўпни кўрган В. Полвонов бунинг ҳам чорасини топиб қўйган эди. Жумладан, 2005 йил сентябрь ойининг охирида "Хоразмавтойўл" МЙБда тафтиш хулосалари бўйича ўтказилган йиғилишдан сўнг, В. Полвонов йўл жамғармасининг ўша вақтдаги ижрочи директори Турсунбой Ваҳобовга 20 минг АҚШ долларини пора сифатида бермоқчи бўлганида, Ваҳобов пулни ҳозир эмас, балки Тошкентда олишини билдирган. 3 октябрь куни Полвоновнинг садоқатли гумашталаридан бири Ю. Бойко 20 минг доллар билан Тошкентга келади ва Т. Ваҳобовнинг ҳузурига киради. Эҳтиёткор директор бу сафар ҳам пулга қўл теккизмади, балки ҳайдовчисига қолдириб кетишни тайинлади. Бундан ташқари яна бир қанча ҳолатларда текширувчиларга пора узатиш, хорижий қимматбаҳо кийимларни совға қилиш фактлари ҳам аниқланган. Албатта, Полвоновнинг "сахийликлари" беиз кетмади. Бунинг эвазига Тошкентдан келган тафтишчилар томонидан аниқланган барча ўзлаштириш, қонунбузарлик ҳолатлари ҳуқуқни муҳофаза этиш маҳкамаларига хабар бериш ўрнига яширилди. Бу ҳам етмагандай етказилган моддий зарарни айбдор кимсаларнинг чўнтагидан эмас, балки "Хоразмавтойўл" ЙҚХШТнинг ҳисобидан, яъни давлат маблағларидан 10 ой муддат ичида қайтарилиши юзасидан келишиб, давлат манфаатларига 286 миллион 47 минг 900 сўмлик миқдорда зарар етказилди.

Тергов жараёнида ўтказилган тафтиш хулосасига кўра, В. Полвонов бошлиқ қаллоблар тўдаси 4 миллиард 88 миллион 864 минг 716 сўм давлат маблағи ва мулкини ўзлаштириб, талон-торож қилиб юборгани маълум бўлди. Нима, бу пуллар воҳа шаҳар ва қишлоқлари ободончилиги учун ортиқчамиди? Қанча-қанча хайрли ишларни амалга ошириш мумкин эди бу маблағ эвазига...

Ҳолбуки, В. Полвоновнинг ҳам, унинг атрофидаги ҳамтовоқларининг ҳам оч қолаётган жойи йўқ эди. Юлғичликни касб қилиб олган жиноий тўда ўзи тўйса ҳам кўзи тўймайдиган кимсалардан иборат бўлган. Текиндан келиб турган мўмай даромад бу бойваччаларни талтайтириб юборганди. Бир коса овқат билан бир бурда нонга тўядиган инсон боласининг кўзи бунча оч бўлмаса экан? Айниқса, тинтув вақтида В. Полвоновнинг қатор-қатор уйларидан топилган қават-қават тахи бузилмаган қимматбаҳо гиламлар, зеб-зийнатлар, тилла тангаю тақинчоқларни кўрган одам ҳайратдан ёқа ушлайди.

Римма Полвонова турмуш ўртоғи В. Полвоновга тегишли 217 минг 800 АҚШ доллари ва 47 тур тилла танга ҳамда тақинчоқларни ихтиёрий равишда терговга топширди. Тинтувда 188 турдаги тилла тангалар, тақинчоқлар, биллур, қимматбаҳо богем шишасидан тайёрланган идишлар топилди... Бир ҳовуч текинхўр бойваччаларнинг ҳузур-ҳаловати учун керак бўлди бу дабдабалар. Давлат, халқ хазинасидан ўғирланган маблағлар ичкиликбозлик, маишатбозлик, кўнгилхушлик учун аямай сарфлангани тинтув вақтида яққол аён бўлди. Хорижнинг хилма-хил ичкиликлари орасидан ичига тилла танга солинган қимматбаҳо арақлар ҳам чиқди. В. Полвоновнинг қаноти остида юрган лаганбардор олғир кимсалар шунчаликкача боришдики, ҳатто унга атаб "Святой Валерий" ("Авлиё Валерий") деган махсус арақ тайёрлаб ҳам келишган экан. Дарвоқе, ўғли Шарофнинг 28 ёшга киргани муносабати билан ҳам унинг сурати туширилган "Золотой Шараф" арағи чиқарилган.

В. Полвонов овчиликка, аниқроғи, ҳар турли қурол-яроғларни тўплаб сақлашга ҳам ишқибоз эди. Унинг уйидан 15-20 овчини қуроллантиришга етгулик қурол-аслаҳа, ўқ-дорилар топилди. Хорижий ов милтиқлари ва газ тўппончаларидан иборат бу "коллекция"лар орасида Калашников автоматига тушадиган 30 дона 5,45 мм калибрли, 14 дона 7,62 мм. калибрли, Макаров тўппончасига мўлжалланган 64 дона 9 мм. калибрли жанговар патронлар, 1 дона портловчи пакет ва Германияда ишлаб чиқарилган "Zella mehlis" русумли ов милтиғи ноқонуний сақлаб келингани маълум бўлди.

Унинг ўғли Тимур Полвонов ўз уйида сақланаётган МЦ 2112 русумли 16 калибрли ҳамда ИЖ-27 русумли 12 калибрли ов милтиқлари, МР-654к русумли пневматик тўппонча, унинг 2 қути патрони ва яна аллақанча ўқ-дориларни ихтиёрий равишда терговга тақдим этди. Улар орасида бўлган ТОЗ-8 русумли милтиққа мўлжалланган 48 дона 5,6 мм. калибрли патронлар жанговар ҳолатда эканлиги ва ноқонуний равишда сақланаётгани аниқланди. Савол туғилади: бу қурол, ўқ-дорилар фақатгина ишқибозчилик учун сақланганмикан?

Полвоновлар уйларидан тинтув вақтида олинган 218 минг 455 АҚШ доллари, вазни 3 килою 896 грамм, умумий нархи 108 миллион 351 минг сўмга баҳоланган тилла тангаю тақинчоқлар, яна қат-қат гиламлар, турли русумдаги 20 дан зиёд автомашина (улар орасида нархи 65 миллион сўм турадиган "HYUNDAI" каби автомашиналар ҳам бор), бир қанча уй-жой ва бошқа кўчмас мулклар давлат фойдасига мусодара этилди. Уларнинг жами миқдори 2 миллиард 393 миллион 292 минг 827 сўмга етди. Тортиб олинган "Нексия" автомашинаси ҳақиқий эгаси — К. Давлатовга қайтарилди.

***Жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар судининг сайёр мажлиси 40 нафар мансабдор шахсга нисбатан юритилган ушбу жиноят ишини атрофлича кўриб чиқди ва шу йил 19 июль куни жиноий гуруҳ аъзоларининг жиноятига яраша жазо белгилади. Хусусан, жиноят кодексининг 8 та моддаси бўйича айбдор деб топилган В. Полвонов 20 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, пора олиш эвазига ўта йирик миқдордаги давлат маблағларининг талон-торож қилинишига йўл қўйган йўл жамғармаси ижрочи директори Т. Ваҳобов 19 йил муддатга озодликдан маҳрум этилиб, жазо муддатини кучайтирилган тартибли колонияда ўташи белгиланди. Жиноий гуруҳнинг қолган аъзолари ҳам узоқ муддатларга озодликдан маҳрум этилди.***

***Яқин ўтмишда В. Полвоновни кўкларга кўтариб, "Авлиё" деб мақтаганлар унинг ҳаром луқмасига шерик бўлганлар. Ўзи тўйса ҳамки кўзи тўймайдиган, юрт ободлиги учун ажратилган маблағларга, демакки, кўпчиликнинг ҳақига чанг солган кимсалардан қачон авлиё чиққан?! Нафс бандаларига айланиб қолган В. Полвонов ва унинг гумашталари "қора курсида" юзи шувут бўлиб, ер чизиб ўтиришганда Хоразм аҳли уларга муносиб баҳони бериб бўлган эди.***

**Алишер ИСЛОМБЕКОВ.**

Тиббиёт



*Кейинги пайтларда Ҳабибахон опанинг оёғи хасталаниб, ётиб қолди. Туман марказидаги шифохонада даволанди, бироқ асорати қолган экан, баъзан суяклари зирқираб азоб беради. Яхшиям, маҳалла шифокорлари бор, кундакунора уйига келиб хабар олишади, зарур муолажалар қилишади. Улар даволашдан ташқари ширин сўзлари билан жонига малҳам бўлаётганидан опанинг кўнгли кўтарилади, дарди чекингандай бўлади.*

# ДАРДИНГНИ ОЛАЙ, ҲАМҚИШЛОҚ

Мингга яқин хонадон аҳли умргузаронлик қилаётган Ровустон қишлоғи билан Наманган тумани маркази ораси ўн икки чақирим. Илгари одамлар ана шу йўлни босиб, марказий касалхонага боришарди. Шинамгина қишлоқ шифокорлик пунктининг ишга туширилиши кўпчиликнинг йўлини яқин қилди. Бундан, айниқса, қариялар, болали оналар қувонганини айтмайсизми? Жонлари сал безовталанса, уйларидан унча узоқ бўлмаган мазкур даволаш масканига чопишади. Бу ерда беморга зарур ёрдам кўрсатиш учун ҳамма шароит муҳайё.

Малакали тиббий ёрдам кўрсатиш учун, энг аввало, малакали мутахассис зарур. Шифо масканида уч нафар шифокор ишлаяпти. Уларнинг икки нафари пойтахтда қайта ўқиб, умумий амалиёт шифокори сертификатини олиб қайтди, барча хасталикларга ташхис қўйиб, даволаш муолажаларини белгилай олади. Масалан, Абуқаҳҳор Банноев, аслида, ички касалликлар ҳакими. Умумий амалиёт билан шуғуллана бошлаганидан буён кўплаб турдаги касалликларни даволаяпти. Унга қўл келаётгани у ёки бу хасталик даражасини аниқ билиш учун талаб этиладиган тиббий таҳлиллар ҳам бевосита шу жойнинг ўзида ўтказилади. Бунинг учун махсус лаборатория бор.

— Мана бу ФЭК аппарати, яъни фотоэлектрокалорометр, — дейди таҳлилхона мудири Холида Нуриддинова. — Унинг ёрдамида бемордан олинган қонни беш хил таҳлилдан ўтказиш мумкин. Дезинфекцияловчи моддаларни эса мана бу ускунада оддий ош тузи эритмасидан оляпмиз. Бу каби асбоб-ускуналарнинг ўндан ортиғи бор.

Авваллари бундай жиҳозлар фақатгина марказий ёки ихтисослашган шифохоналарда бўларди. Энди қишлоқдаги тиббий масканда ҳам юрак иш маромини кўрсатиб берувчи ЭКГ, қулоқ, кўз, бурунни чуқур текширувдан ўтказадиган энг замонавий тиббий ускуналардан фойдаланилмоқда.

Оқ халат соҳиблари хасталанган ҳамқишлоқларини даволабгина қолмасдан, улар касалланишининг олдини олиш, аниқроқ айтганда, ҳудудда тиббий маданиятни юксалтириш билан ҳам жиддий шуғулланишяпти. Ҳамширалардан кўпчилиги хонадонларга бириктириб қўйилган. Улар ҳар бир оилага ҳафтасига камида икки мартадан ташриф буюришади. Шу жараёнда 6100 нафар фуқаро хонадонидаги махсус дафтарга оила аъзоларининг соғлиғи, туражойнинг санитария ҳолати, у ёки бу касалликнинг олдини олиш бўйича ўтказилган суҳбат хусусидаги ёзувлар тушади.

Аҳоли саломатлигини мустаҳкамлашнинг ишончли қўрғони бўлган бундай муассасалар Наманганда жуда кўп. Масалан, Янгиқўрғоннинг Нанай қишлоғи Наманган шаҳридан 60 чақирим олисда жойлашган. У ерда ҳам кўпчилик ҳавас қиладиган ҚВП бор. Кислородга бой тоғ ҳавосидан доим баҳраманд бу ҳудуд аҳлига, энг аввало, табиатнинг ўзи шифокор. Қолганига 11 кишилик тиббий жамоа елка тутяпти. Иш яхши йўлга қўйилганидан бултур «Энг яхши қишлоқ врачлик пункти» кўрик-танловида ғолиб чиқишиб, мукофотга «Дамас» автомашинаси олдилар.

Бугун Наманган вилоятида 225 та қишлоқ врачлик пункти фаолият кўрсатмоқда. Улар хизматини янада юқори босқичга кўтариш, мурожаат қилаётган фуқаролар малакали ёрдам олишлари учун кўпроқ шароит яратиш доимий эътиборда. Жумладан, кейинги пайтларда «Саломатлик — 2» лойиҳаси асосида 198 та ҚВП қўшимча равишда 807,9 миллион сўмлик 45 турдаги энг замонавий тиббий жиҳозлар билан таъминланди. Бу ишни давом эттириб, жорий йил охирига қадар ҳар бир туманга биттадан УЗИ аппарати билан жиҳозланган «Дамас» санитар автомобиллари топширилади.

**Қудратилла НАЖМИДДИНОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

*Бўка туманида 14 та қишлоқ врачлик пункти қурилиб, фойдаланишга топширилган эди.*

## Ҳомийлар саховати



Бу ерда хасталикларга аниқ ташхис қўйиш ва беморларни даволаш учун зарур шарт-шароитлар яратилди.

Яқинда туманда яна бир хайрли ишга қўл урилди. Ҳокимлик ва прокуратура ҳомийлигида марказий шифохонага бир йўла учта "Дамас" русумли тез тиббий ёрдам машинаси олиб берилди.

**Абдунаби ҲАЙДАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

Спорт • Sport • Спорт



***Озарбойжон пойтахти Бокуда эркин ва юнон-рум кураши бўйича ўтказилган жаҳон чемпионати ғолиб ва совриндорлари номи маълум бўлди. Бир ҳафта давом этган мазкур нуфузли мусобақада дунёнинг юздан ортиқ мамлакатидан келган полвонлар ғолиблик учун беллашдилар. Жаҳон чемпионати келгуси йили Пекинда ўтказиладиган ёзги Олимпиада ўйинларига йўлланма берувчи турнир бўлганлиги сабабли ҳар бир вазн бўйича кураш қизғин кечди.***

*Дилшод Мансуров:*

## «Ғолиб бўлишимизга ишонаман!»

Муҳими, чемпионатдан олти нафар курашчимиз юртимизга Олимпиада йўлланмаси билан қайтди. Жумладан, юнон-рум курашидан Элдор Ҳафизов (55 кг.) ва Давид Солдатзе (120 кг.) Олимпиада йўлланмасига эга бўлдилар.

Эркин курашчиларимиз эса бу борада анча яхши кўрсаткичга эришдилар. 55 килограмм вазнда гиламга чиққан юртдошимиз Дилшод Мансуров биринчи олишувда япониялик Томохира Матсунарани катта устунлик билан мағлубиятга учратди. Сўнгра у Болгария полвони Радослав Великов ва испаниялик курашчи Франчиско Санчесни ҳам осонлик билан енгди. Аммо кейинги учрашувда россиялик Бесик Кудуховга ютқазиб қўйди. Дилшод якунда тўртинчи ўринни эгаллаб, Олимпиада йўлланмасини қўлга киритди. Заурбек Сохиев (84кг.) эса Д. Лее (Жанубий Корея), Л. Лизидис (Греция), С. Болчи (Туркия) сингари номдор полвонларни мағлуб этди. Ҳамюртимиз ўз вазн тоифасида жаҳонда учинчи полвон бўлиши билан бир қаторда, Пекин Олимпиадаси йўлланмасига ҳам эга бўлди. Оғир вазнли полвонлар баҳсида майдонга тушган ҳамюртларимиз Қурбон Қурбонов (96 кг.) ва Артур Таймазов (120 кг.) ҳам бронза медаллари ва Олимпиада йўлланмасини қўлга киритдилар.

— Албатта, дунёнинг энг нуфузли мусобақаси — Олимпиада ўйинларида қатнашиш барча спортчининг орзуси, — дейди эркин кураш бўйича икки карра жаҳон чемпиони Дилшод Мансуров. — Шу жиҳатдан олиб қараганда, мен ўз олдимга қўйган вазифани бажардим, деб айта оламан. Олимпиадада курашадиган рақибларимни ҳам билиб олдим. Бокудан олтита йўлланма билан қайтдик. Умумжамоа ҳисобида йиғган балларимиз ҳам ёмон бўлмади. Ҳали олдимизда Олимпиадага йўлланма берувчи Осиё чемпионати турибди. Унда ҳам терма жамоамиз аъзолари муваффақиятли қатнашишига ишонаман.

**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**

## Байрамга бағишланди

Куни кеча Жиззахда яқинлашиб келаётган Ўқитувчилар ва мураббийлар куни муносабати билан ўқув юртлари ўртасида 3 километр масофага югуриш мусобақаси ўтказилди. Унда Жиззах шаҳри ва туманидан минг нафардан ортиқ ёшлар иштирок этди.

Мустақиллик майдонидан Ҳамид Олимжон хиёбонигача бўлган масофани биринчи бўлиб Олимпия захиралари спорт коллежи талабаси Марат Турмуҳамедов босиб ўтди. Хотин-қизлар ўртасидаги баҳсда Жиззах туманидаги К. Азимов номли мактаб ўқувчиси Нигора Абдумуродова ғолиб чиқди.

**Баҳриддин САТТОРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбири.**


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ХАЛҚ БАНКИ

Пахта йиғим-теримида қатнашаётганларни моддий қўллаб-қувватлаш мақсадида
«ПАХТАКОР»
омонатига маблағлар 45 кун муддатга, йиллик 25 фоиз даромад тўлаш шарти билан камида 50 000 сўм миқдорида қабул қилинади.



Ёш оилаларга барча имконият ва қулайликларни яратган ҳолда, улар учун
«ЁШ ОИЛА»
омонат турини амалиётга татбиқ этади.

Омонатга маблағлар 30 ёшгача бўлган ёш оила аъзолари (эр ёки хотин) бирининг номига йиллик 24 фоиз даромад тўлаш шарти билан 6 ой муддатга камида 100 000 сўм миқдорида қабул қилинади.

Омонатда сақланган маблағларга ҳар ойнинг 1-санасига фоиз даромади ҳисобланиб (капитализация) қолдиққа қўшилади.



Шунингдек, банк ўзига ишонч билдирган мижозларга «ФАРОВОН ҲАЁТ», «ФАРЗАНД КЕЛАЖАГИ», «АФЗАЛ», «МАТОНАТ», «МУСТАҚИЛ ҲАЁТ», «ШОДЛИК», «МАҲАЛЛА ФИДОЙИЛАРИ» каби 20 га яқин омонат турларини тавсия этади.
Омонатларга маблағлар Халқ банкининг барча муассасалари орқали қабул қилинади.
ХИЗМАТЛАР ЛИЦЕНЗИЯЛАНГАН

*Халқ банкида аҳоли омонатлари дахлсизлиги давлат томонидан кафолатланган!*

1395R/1720



ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор AVTODOM PLUS







ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАКЛИФ ЭТАДИ
- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.;
- 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЮРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:
ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь».
ЮК МАШИНАЛАРИ: озиқ-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автоустахоналар, бурғулаш (буровые), чиқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автоэвакуаторлар.
АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

100015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шаҳрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz



«ҲИМОЯ» ҲУҚУҚИЙ МАРКАЗИ АДВОКАТЛИК ФИРМАСИ
«ҲИМОЯ» ҲАКАМЛИК СУДИ
ТУРЛИ МУРАККАБЛИКДАГИ ХЎЖАЛИК НИЗОЛАРИ
HIMOYA
• НИЗО ИШТИРОКЧИЛАРИ ТОМОНИДАН ҲАКАМНИ САЙЛАШ
• НИЗОЛАРНИ ҚИСҚА МУДДАТ ИЧИДА КЎРИБ ЧИҚИШ
• КАМАЙТИРИЛГАН СУД ХАРАЖАТЛАРИ
Хизматлар лицензияланган
ТЎЛОВ НАТИЖАЛАР БЎЙИЧА
ТОШКЕНТ: (371) 133-11-13, 137-13-43, 175-63-72
БУХОРО: (365) 223-68-85, (365) 223-63-72.
НАВОИЙ: (590) 730-99-80, (436) 227-63-44.
WWW.HIMOYA.UZ WWW.HIMOYA-BUD.UZ E-mail: HIMOYA@LIST.RU



СПЕЦТЕХНИКА ИЗ КИТАЯ




www.spetstehnika.com
РЕАЛЬНАЯ ТЕХНИКА ЗА РЕАЛЬНЫЕ ДЕНЬГИ
• Грузовики • Автокраны • Погрузчики
• Самосвалы • Трейлеры • Дорожные катки
• Седельные тягачи • Бульдозеры • Автогрейдеры
• Бетоносмесители • Экскаваторы • Асфальтоукладчики
Тел.: (+99871) 254-14-90, (+99890) 328-28-48
E-mail: info@spetstehnika.com


Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ хўжалик экинлари навларини синаш Давлат комиссияси жамоаси Давлат комиссияси раиси Собур Муродовга падари бузруквори **ҒАНИ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Ядро физикаси институти жамоаси институтнинг касаба уюшмаси раиси Зайниддин Муратовга ўғли **Нажмиддин МУРАТОВнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитаси раҳбарияти ва шахсий таркиби қўмитанинг бошқарма бошлиғи Фаридун Набераевга падари бузруквори **ИСМОИЛ отанинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади ва ҳамдардлик билдиради.

Иқтисодий тадқиқотлар маркази жамоаси марказ ходими Асқар Ибрагимовга волидаи муҳтарамаси **Қумри ИБРАГИМОВАнинг** вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.


Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 856. 24960 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

ТЕЛЕФОНЛАР:
*Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55; Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.*

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Т -Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
100000, ГСП,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Орипов.
Навбатчи муҳаррир — У. Файзиева.
Навбатчи — С. Раҳмонов.
Мусаҳҳиҳ — Ҳ. Тошхўжаев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 21.45 Топширилди — 23.00 1 _ 3 4 5 6